O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 8 июль № 142 (3417) Пайшанба

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

***Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш, республика тадбиркорларининг хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш мақсадида:***

1. Тадбиркорлик тузилмалари, кичик бизнес субъектлари ва хусусий корхоналар вакиллари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини қайта тузиш ва унинг асосида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

республикада тадбиркорликнинг, энг аввало кичик ва хусусий бизнеснинг жадал ривожланишига, ҳақиқий мулкдорларнинг кенг қатлами шаклланишига, хусусий секторнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини тубдан оширишга кўмаклашиш;

республика тадбиркорларига хорижий шериклар ва сармоядорлар билан ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришда, мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек, қўшма корхоналар ташкил этиш, энг аввало кичик ва хусусий корхоналарни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш учун республикага тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилишда ёрдам бериш;

бошқа мамлакатлар савдо-саноат палаталари ва тадбиркорларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, Ўзбекистон тадбиркорлари делегацияларининг амалий ташрифларини ташкил этиш ва республикага хорижий тадбиркорларни таклиф қилиш, республикада ва чет элларда тадбиркорларнинг халқаро бизнес-анжуманлари, ишбилармонлар маҳсулотларининг савдо-саноат кўргазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг турда хизмат кўрсатиш, жумладан, ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва инвестиция имкониятлари, шунингдек, бўлажак шериклар ва замонавий технологияларни харид қилиш имкониятларига оид ахборотни ўз ичига олган бизнес-каталоглар нашр этилишини йўлга қўйиш;

тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бизнес юритишга оид халқаро меъёрлар ва амалиётни республикада жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш борасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яхшилашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, рўйхатга олиш, маҳсулотини сертификатлаш ва лицензия бериш, шунингдек, ишларини судларда кўриб чиқиш масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

тадбиркорлик фаолиятига оид таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этишни қўллаб-қувватлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси:

мамлакатимиз тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан микрофирмалар, кичик ва хусусий корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорларни ихтиёрий равишда бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган ҳудудий тузилмалари билан биргаликда ягона тизимни ташкил этади;

зиммасиға юкланган вазифа ва функцияларни самарали бажариш учун зарур ҳолларда республика туманлари ва шаҳарларида филиаллар тузиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан

(Давоми 2-бетда).

*Мустақиллик иншоотлари*

***Ҳар қандай корхона ҳаётида янги линияни ишга туширишдан олдинги дамлар ғоят қизғин палла ҳисобланади. Ишқилиб, илк қадам хайрли бўлсин-да, деган истак ҳамманинг кўнглида туради. «Мармакс» қўшма корхонаси ҳам темир йўл шпаллари тайёрлашни йўлга қўйишга пухта тараддуд кўрди. Энг янги хорижий жиҳозларни қайта-қайта ишлатиб кўрди, ҳатто йўлакларни чиннидек покиза қилиб қўйди. Ахир байрам арафасида кўчаларни супуриб-сидириш халқимиз анъанасида бор-ку. Жамоа ўзига хос байрамни қаршиларди.***

## Темир йўлнинг мустаҳкам таянчи



Дастлабки шпаллар тайёр бўлди. Табиийки, Бектемир тумани, турли хизмат ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этган тантанали маросим бўлиб ўтди. «Мармакс» ишчилари ва муҳандислари, барча иштирок этганлар қалбида ажиб ғурур туйғуси жўш урарди: энди Ўзбекистонда истиқболли эластик маҳкамланувчи сифатли шпаллар ишлаб чиқарилади.

Аввалги Бектемир темир бетон буюмлари заводининг олти ҳудудидан бирида янги ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётганлиги тўғрисида олдин матбуотда маълум қилинганди. Эндиликда Бектемир туман ҳокимлиги, директорлар кенгаши илгари сув хўжалиги қурилиши учун маҳсулот чиқариб келган корхонада қайта таъмирлаш пайтида сўз ва амалий ҳаракат билан ёрдам берилганини таъкидлаш ўринлидир.

Лойиҳанинг ижобий ечимига мамлакатдаги йирик банклардан бири «Асакабанк» ҳам ишонганди. Беш йилга 3 млн. 470 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Биринчи йили «Мармакс» фақат фоизларни тўлайди.

Ҳозир корхонани таний олмайсиз. Тоза, ёруғ, замонавий қулинг ўргилсин машиналар ўрнатилган, барчанинг баҳри-дили очилган. Уч линияда бетон қуйиш мосламалари жиҳозланган. Ҳаммаси пухта ўйланган. Шунча миқдорда шпал тайёрлаш учун эски усулда «Мармакс»га нисбатан беш баравар катта майдон талаб қилинарди.

Янги жойда чиқарилаётган шпаллар аввалгиларидан фарқ қилади. Унга машҳур «Фляйндерер» немис фирмаси лицензия берди. Лекин аввалдан маҳаллий ашёлар ва талабларга биноан чинакам синовдан ўтишга тўғри келди. Цемент, икки хил шағал, қум ва сув ишлатиб кўрилди.

Маҳсулот сифати учун ташвиш чекмаса бўлади. Италиядан келтирилган автоматли ва компьютерли бетон аралаштиргич ускуна хомашёнинг аниқ нисбатини таъминлайди.

Хўш, «Мармакс» шпаллари аввалгиларидан нимаси билан фарқланади? Энг аввало — пишиқлик даражаси юқорилиги билан. Улар 30 тонналик юкни кўтаради, илгари 25 тонна эди. Пишиқликнинг ошиши юк поездларига, айниқса йўлнинг чўл қисмида тезликни соатига 200 километрга етказиш имконини беради.

«Мармакс» шпаллари чидамлилик ва кенглик ошганлиги ҳисобига рақобатбардош бўлди. Бу ўринда янги типда мустаҳкамлаш ҳисобига вақтдан уч ҳисса ютиш мумкинлигини ҳам хаёлдан кўтармайлик. Минтақамизда қурилаётган ва таъмирланаётган йўллар эса бир неча юз кило-

(Давоми 2-бетда).

*ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН:*



## МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАНЗИЛЛАРИ БЎЙЛАБ

***Бири кам дунё дейдилар. Олам яралибдики, бой ва соғлом одамлар билан бирга хасталар, ногиронлар, камбағаллар бор. Меҳрга зорлар, мурувватга муҳтожлар бор. Уларга кўмак бериш, кўнглини кўтариш тўрт мучаси соғ, бой-бадавлат инсонларнинг одамийлик бурчидир.***

***Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ўтаётган йилимизни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилар экан, бундан кўзланган мақсад одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидладилар.***

Бугун бизга дунё эшиклари очилди. Ёнгинамиздаги Афғонистон ҳам, уммон ортидаги Америка ҳам бир қадам бўлиб қолди. Хорижга бориб келиш оддий ҳолга айланди. Жаҳонга қанча чиққанимиз сайин ўзбекона урф-одатлар, халқимизнинг минг йиллик анъаналарининг қадрига шунча ета бошлаяпмиз. Чунки кўп мамлакатларда отанинг ташвиши ўғилни, онанинг ташвиши қизни мутлақо қизиқтирмайди. Ҳамма ўз юмуши билан банд, ҳамма ўз дарди билан овора.

Хайриятки, бундай салбий хислатлар бизга ёт. Ота-она, ака-ука, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй ўртасида меҳр-оқибат, мурувват бисёр. Ва бу хислатларни ҳар қандай цивилизация, глобаллашув жараёнларида ҳам сақлаб қолмоқдамиз. Зеро, меҳр-мурувват бизнинг қонимизда бор, минг йиллардан буён авлоддан авлодга ўтиб келаяпти. Аслида жаннатмакон ўлкамизнинг ҳар гўшаси меҳр ва мурувват манзилидир. Шунинг учун ҳам, биз вилоятлардан тайёрланадиган саҳифаларимизни «Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб», деб атадик.



Саҳифаларни ташкил қилишдан мақсад, аввало, вилоятларда Меҳр ва мурувват йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури қандай бажарилаётганини кўрсатиш, қолаверса, жойлардаги қўли очиқ, саховатли, садоқатли инсонлар, улар амалга ошираётган ишлар ҳақида ҳикоя қилишдир. Шунингдек, бу борадаги муаммолар, ҳар тўкисда бир айб деганидек, йўл қўйилаётган айрим камчиликлар, ҳал этилиши керак бўлган юмушлар ҳам журналистларимиз нигоҳидан четда қолмайди.

Яна шуни ҳам таъкидлашни истардикки, меҳр ва мурувват кўрсатиш, муҳтожларга кўмак бериш қуруқ гап ёки мавсумий юмуш бўлиб қолмаслиги лозим. Юртбошимиз айтганларидек, савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Шунда инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат кўтарилмайди, юрт тинч, обод бўлади.

Бугунги манзилимиз Андижон вилояти.

3-бетга қаранг

*Табиат ва инсон*

**Кеча Тошкентда Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Среда обитания"(Яшаш муҳити) нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда "Правда востока" газетаси таҳририяти билан ҳамкорлигида "Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслар бошқаруви" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

## Экологлар ва журналистлар ҳамкорлиги

Тадбирда Европа комиссияси маблағи ҳисобига "Минтақавий экологик марказ" томонидан амалга оширилаётган "Атроф-муҳит тўғрисида соддагина ёзамиз" лойиҳасининг мамлакатимизда амалга ошириш жараёнлари хусусида сўз борди. Таъкидландики, экологлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг алоқаларини яхшилаш, хусусан, ахборот ва маълумотлар алмашишда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳар икки томон манфаатларига мос тушади. Зеро, айрим ахборот манбалари республикамиз экологияси тўғрисида нотўғри, асосланмаган маълумотларни тарқатишмоқда. Бу аҳоли ўртасида турли тушунмовчиликларни келтириб чиқараётир.

"Давра суҳбати"да "Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаш", "Тошкент вилоятидаги мавжуд саноат ва маиший чиқиндилар муаммоси", "Фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш" каби мавзуларда етакчи мутахассис ва экспертларнинг маърузалари тингланди.

Шунингдек, Венгрия пойтахти Будапештда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотлари раҳбарлари ва соғлиқни сақлаш вазирлари иштирокида бўлиб ўтган халқаро конференция ва унда қабул қилинган қарорларда мамлакатимизга оид масалалар хусусида табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Б. Алихонов ахборот берди ва иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА АРАФАСИДА

***Фарғона вилояти ҳокимлигида ташкил этилган ҳудудий семинарда мамлакат парламентига декабрда бўлиб ўтажак сайловларнинг конституциявий асосларини аҳолининг кенг қатламига етказиш борасида Конституциявий суд, судлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ва оммавий ахборот воситаларининг вазифаларига оид масалалар муҳокама этилди. Семинар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Марказий сайлов комиссияси ва Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилди.***

Унда номлари қайд этилган ташкилотлар, вилоятлар, Фарғона водийси шаҳар ва туманлари ҳокимликлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси бўлимлари вакиллари, журналистлар иштирок этди. Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз олий қонунчилик органига сайловнинг конституциявий асосларига тўхталар экан, икки палатали парламентга ўтиш юртимиз тараққиёти, бу борада Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришлар билан боғлиқ зарурат эканини таъкидлади.

АҚШ, Франция, Англия, Япония каби мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси амалий қонунларни қабул қилишни таъминлайдиган икки палатали парламентнинг самарали эканини кўрсатмоқда. Ўзбекистон фуқаролари ҳам мамлакатимиз Бош қонунида белгиланган конституциявий ҳуқуқларни амалга оширишда қабул қилинаётган қонунлар сифати бўйича шахсий масъулиятини ҳис қилиши лозим. Бундай масъулиятни сингдиришда эса оммавий ахборот воситаларининг роли катта аҳамиятга эга.

Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоевнинг маърузаси эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари таҳлилига бағишланди. У парламентнинг қонунчилик палатаси ва Сенатга сайловларнинг ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб, сиёсий партиялар ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид масалаларга тушунтириш берди, сайловларда иштирок этиш давомида қонунларни бузиш бўйича жавобгарлик ҳақида гапирди.

Семинарда Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари Х.Дўстмуҳаммад, адлия вазирининг биринчи ўринбосари И.Абдуллаев, Ички ишлар вазирлигининг тергов бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Каримов, Олий суд судяси Х.Ҳасанов ва бошқалар сўзга чиқди.

Тингланган маърузалар бўйича фикр алмашинди. Қатор тавсияномалар ишлаб чиқилди.

**С.ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.**

Сўнгги соатда

## БЎШ КЕЛМА, РУСТАМ!

**Жаҳон чемпионати финал баҳсининг иккинчи партиясида кеча ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов Буюк британиялик гроссмейстер Майкл Адамс устидан ғалаба қозонди. Ҳисоб 1,5:0,5. Бугун навбатдаги учинчи партия ўйналади. Ғолиблик йўлида Рустамга омад тилаймиз.**



"Халқ сўзи" назоратида

## Ўзгариш бор

"ҚВП қурилди. Нима ўзгарди?" ("Халқ сўзи", 2004 йил, 6 февраль) сарлавҳали мақолада Қашқадарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимидаги нуқсонлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги камчиликлар, қишлоқ врачлик пунктларидаги салбий ҳолатлар — физиотерапия аппаратлари ва иситиш тизимларининг ишламаслиги ҳақидаги танқидий фикрлар билдирилган эди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан келган расмий жавобда бу хусусда шундай дейилади:

*"Мазкур мақола вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди. Бундай салбий ҳолатлар такрорланмаслиги учун чора-тадбирлар белгилаб олинди. Яккабоғ тумани марказий шифохонаси бош врачи Б.Жўраевга йўл қўйган камчиликлари учун жарима белгиланди.*

*Қамаши тумани марказий шифохонаси бош врачи А.Ғофуровни Республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат Дастурининг бажарилишида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун лавозимига лойиқлиги масаласи вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида кўрилмоқда.*

*Мақолада кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этилишини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз назоратига олди.*

**М.ХОДЖИБЕКОВ, Республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари».**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

имзоланган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Републикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига ҳар томонлама, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари мутахассисларини жалб этиш орқали Палатанинг зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда, бошқа мамлакатлар савдо-саноат палаталари, хорижий сармоядорлар ва шериклар билан амалий алоқалар ўрнатишда, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини сотиш учун чет эл бозорларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ёрдам берсин;

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда Палатанинг қатор хорижий мамлакатларда ваколатхоналарини очиш ва уларнинг раҳбарларига дипломатик ходим мақомини бериш мақсадга мувофиқлиги хусусидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

мамлакатимиз тадбиркорлари — Савдо-саноат палатаси аъзоларини минтақавий экспорт ва транзит товарлар (иш ва хизматлар) савдо оқимида фаол иштирок этишга жалб қилиш борасидаги ҳамкорлик ишларини ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий тузилмаларига давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектлари — Палата аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини камситувчи хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судларга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилсин. Бунда улар давлат божларини тўлашдан озод этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига "Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш, Палатанинг таъсис съездини ўтказиш, Палата Уставини қабул қилишга оид ташкилий масалаларни ҳал қилишда кўмаклашсин;

бир ой ичида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси иштирокида Ҳукуматнинг Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлашга доир қарорини ишлаб чиқиб, қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12 мартдаги ПФ-1407-сонли "Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисида"-ги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 7 июль.

## Темир йўлнинг мустаҳкам таянчи

(Давоми. Боши 1-бетда).

метр билан ўлчанади. Афзаллик яққол кўриниб турибди.

Темирйўлчилар бу жиҳатларни ҳисобга олишади. Дарвоқе, ҳаммаси шу тендердан бошланганди. Матбуотда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни эластик маҳкамловчи шпаллар тайёрлашга таклиф қилганди. Қўшма корхона раҳбарлари ҳам ҳисоб-китобга жиддий киришдилар, маркетинг ўтказишди. Ишнинг истиқболи кўринди. Бектемирдаги бетон заводни сотиб олишди...



«Мармакс» қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Махаил Ренатович Дорогинин қуйидагиларни гапириб берди:

— Маълумки, мамлакатимизда, қўшни давлатларда ҳам темир йўллар поездларнинг ҳаракатланиш тезлиги бўйича жаҳон андозаларига мослаб ётқизилади. Лекин амалдаги конструкцияда техник ва иқтисодий жиҳатдан нуқсонлар бор.

Маркетингни йўлга қўйдик. Маълум бўлишича, бу борадаги бизнес бир нечта чет эл компаниялари, шу жумладан немисларнинг «Фляйндерер» компаниясига дахлдор бўлиб, ушбу фирма ўз нуфузи учун қаттиқ ҳаракат қилар экан. Шунинг учун Италиядан жиҳозлар сотиб олдик. Бу ускуналар Германиянинг ўзида экспертиза қилинди. Мюньхен техника университетида шпал чиқариш синаб кўрилди.

Қўшма корхона мутахассислари «Фляйндерер» компаниясига қарашли Испаниядаги корхоналардан бирида иш ўрганишди.

«Мармакс» йилига евростандарт талабларига жавоб берувчи, Ўзбекистонда ишлатишга мослашган 400 мингтадан зиёд шпал тайёрлаши мумкин.

Бугун — «Мармакс» қўшма корхонаси жамоаси ва мамлакат саноатида янги саҳифа очилди. Ишлаб чиқарувчилар ва давлат манфаатлари ҳамоҳанг бўлиши жуда ажойиб. Мамлакат учун мураккаб, лекин жуда муҳим маҳсулот чиқаришда шундай ватанпарварлар қанча кўпайса, иқтисодиётимиз «Мармакс» шпаллари билан мустаҳкамланган йўллар узра дадил олға интилаверади.

**Виктор ПЕТРОВ.**
**СУРАТЛАРДА: янги корхонанинг очилишидан лавҳалар.**
**Александр КОВАЛЬ олган суратлар.**



## Ер учун сув қон, меҳнат эса жондир

*Мамлакатимиз далаларида айни пайтда ғўзалар баравж паллага кирди. Деҳқонлар ниҳолларни агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб, чилла сувига қондирмоқда.*

*Пскент туманидаги Ислиддин Ҳайдаров номли ширкат хўжалигида жорий йилда 740 гектар майдонда ғўза ўстирилмоқда. Деҳқонлар мавсумда ҳосилдорликни гектарига 29 центнерга етказиш иштиёқида сидқидилдан тер тўкишмоқда.*

**СУРАТДА: ширкат хўжалиги аъзолари ғўза парвариши хусусида суҳбатлашмоқда.**
**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.**

Эзгулик

***Қизил Ярим Ой жамиятининг мамлакатимизда олиб бораётган хайрли, савобли ишлари оғизга тушганига кўп бўлган. Ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланган, кўп болали оилалар ҳамда бошқа ижтимоий ҳимояланмаган республика фуқароларига тиббий ёрдам, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш жамият фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир.***

## Ёрдамга муҳтожлар эътиборда

Бу юмушларнинг амалга оширилиши ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти миллий кенгашининг ҳар сафарги бўладиган раёсат йиғилишларида ана шундай ишлар сарҳисоб қилинади, муаммолар ўртага ташланади, вазифалар белгиланади.

Куни кеча ўтказилган навбатдаги йиғилиш ҳам ҳар қачонгидек баҳс-мунозара тарзида ўтди. Унда асосан яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Қизил Ярим Ой ва Қизил Хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунини амалда бажариш ва шундан келиб чиққан ҳолда жамият олдида турган вазифалар хусусида жамият миллий кенгаши раиси Ўктамхон Воҳидова алоҳида тўхталди. Ҳудудий ташкилотлар раҳбарларининг ўзлари, аввало, мазкур Қонунни атрофлича ўрганиб, сўнг жойларда уни татбиқ этишлари лозимлигини уқтирди. Йиғилишда ҳудудий ва вилоят ташкилотлари раҳбарлари шу йил аввалидан буён олиб борилган ишлар хусусида ҳисобот бердилар. Шунингдек, маҳаллалардаги ишларни жонлантириш, ёшлар ҳаракатига алоҳида эътибор бериш масалаларига ҳам тўхтаб ўтилди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Сайлов қонунчилигини биласизми?*

## Қонунийлик ва ошкоралик — устувор тамойил

**— Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун кимлар масъул?**

— "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, бу юмушлар сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган бўлиб, очиқ ва ошкора амалга оширилади. Комиссиялар фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари ва участкалари тузилганидан, сайлов комиссиялари таркибидан, уларнинг манзили ҳамда иш вақтидан воқиф этадилар. Сайловчилар ҳамда сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар рўйхати билан таништирадилар. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга оид маълумотлардан, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ушбу Қонуннинг 27-моддасига биноан, сайловчилар йиғилишлари участка комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя қилинган ҳолда ташкил этилади. Маҳаллий ҳокимият идоралари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номзодларга йиғилишлар ўтказишлари учун жиҳозланган бинолар ажратишлари, уларга сайловчилар билан учрашувлар уюштиришларида, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишларида кўмаклашишлари шарт.

**— Сайловолди ташвиқоти жараёнида оммавий ахборот воситалари қандай йўл тутишлари даркор?**

— Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Юқорида эслатилган модданинг 2-қисмида номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Марказий сайлов комиссияси тарафидан белгиланадиган тартибда тенг ҳуқуқ берилиши таъкидланган. Ҳозир ушбу масалага доир йўриқнома тайёрланмоқда. Унда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, республика даврий нашрларидан бири сайловолди ташвиқоти даврида депутатликка номзодлардан бирортаси ҳақида ахборот ёки маълумот ёритса, ўша нашрнинг келгуси сонларида тегишли округдаги бошқа номзодлар тўғрисида ҳам худди шундай миқдор ва ҳажмда маълумот бериши зарурлиги назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловолди дастурлари билан чиқишларига ҳам тенг шароитлар яратилади — радиоэшиттириш вақти, телекўрсатув давомийлиги бир хил қилиб белгиланади. Нашрларда уларга тааллуқли материаллар тенг миқдорда, айни бир саҳифада чоп этилиши таъминланади.

**— Партиялар ва номзодлар дастурларига қандай талаблар қўйилади?**

— Улар давлат суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилмаслиги, халқ соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни ағдариш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват руҳи билан суғорилмаслиги керак. Айни чоғда, ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб олиб борилиши тақиқланади.

**— Кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?**

— "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси 7-қисмига мувофиқ, кузатувчи — депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссиялари мажлисларида иштирок этиш; сайлов участкасида бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилишини ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенлари тарқатилишини кузатиш; овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссияси баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш; сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва олиш; сайлов участкасида ушбу Қонун бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос топилган тақдирда ўз кузатувлари ҳақида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқига эга.

**— Уларга нималар маън этилади?**

— Сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида бўлиш; сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш; сайловчилардан кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайлов бюллетенига белги қўйишда уларга қандайдир тарзда ёрдамлашиш; участка сайлов комиссияси фаолиятига, чунончи, сайлов қутиларини муҳрлашга ва очишга, овозларни санаб чиқишга аралашиш.

**Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, комиссия раиси А.Орипов бошқарди.

Мажлисда "Телерадиоэшиттириш соҳасида частоталарни танлов асосида тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом" ва янги таҳрирдаги "Радиочастота спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом" лойиҳаси кўриб чиқилди.

Шунингдек, мажлис давомида комиссиянинг 2004 йил биринчи ярим йилликдаги иш якунлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси ва янги технологиялардан фойдаланиш учун радиочастота йўлакларини тақсимлаш масаласи муҳокама этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси делегациясининг шу йил май ойида Женевада бўлиб ўтган Рақамли эшиттириш режасини тузиш бўйича радиоалоқа минтақавий конференциясининг биринчи сессияси иш якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Мажлисда Радиоалоқа минтақавий конференциясининг 2006 йилда ўтказиладиган иккинчи сессиясига тайёргарлик тадбирлари режаси ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Жамшид РАУПОВ, ЎзА мухбири.**

*Солиқ тизимида*

***Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида жойларда хуфёна иқтисодий фаолият йўлига тўсиқ қўйиш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмаганлигини қаттиқ танқид қилди. Ўз навбатида бу нафақат Андижон, балки бутун республика вилоятларига тааллуқлидир. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда Қашқадарёда вазият қандай? Бу ҳақда Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи, солиқ хизматининг 2-даражали маслаҳатчиси Нурмат ЖЎЛИБЕКОВ шундай деди:***

## Хуфёна иқтисодиёт жиноятга етаклар

— Дарҳақиқат, бу айни вақтда ечимини кутаётган долзарб муаммо. Афсуски, бундай салбий ҳолатлар бизнинг вилоятимизда ҳам учраб турибди. Ўтган йил давомида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2002 йил 5 августдаги «Нақд пул муомаласини банкдан ташқари айланишини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижроси юзасидан текширув ўтказдик. Катта миқдордаги пул айланмаларини амалга оширган 1812 та хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларидаги ҳолатлар таҳлил қилинди. Текширув якунида 198 та субъект фаолияти шубҳали деб топилди. 180 та ташкилотда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг рухсатномаси асосида текшириш ўтказилганда, турли кўринишдаги қонунбузарлик ҳолатлари кам эмаслиги маълум бўлди. Жумладан, 318,4 миллион сўм миқдорида даромад яширилганлиги, тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатиш, нақд пулга сотиладиган харидоргир маҳсулотлар учун 6783,5 миллион сўм пул маблағи ўтказиб, банк муассасаларига нақд пул топширмаслик каби бир қанча ҳуқуқбузарликлар содир этилган.

Қарши шаҳридаги «Наво» хусусий фирмаси солиқ инспекциясига 2002 йилда 20988,9 минг сўм миқдорида даромад олганлиги тўғрисида баланс ва ҳисобот топширган. Ваҳоланки, фирманинг «Ғаллабанк» вилоят бўлимидаги ҳисоб рақами таҳлил қилинганда шу давр мобайнида олган даромади 335345,6 минг сўмни ташкил этган. Кўриниб турибдики, рақамлар орасидаги фарқ жуда катта. Бунинг оқибатида солиқ қонунчилигига зид ўлароқ ялпи тушум яширилганлиги боис давлат бюджетига 33572,0 минг сўм зарар келтирилган. Солиқ кодексининг тегишли моддаларига кўра фирмага молиявий жарималар қўлланилди.

Ғузор туманида рўйхатдан ўтган «Учбирлик» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси Қарши шаҳридаги «Алоқабанк»да ўз ҳисоб рақамини очган. Корхона 564 миллион сўм даромад олган. Бироқ солиқ инспекциясига бу ҳақда ҳисобот тақдим қилмасдан, корхона мансабдор шахсларининг солиқ тўлашдан қочганлари оқибатида давлат бюджетига 27300,5 минг сўм зарар келтирган. Шунингдек, бюджетга 55900,0 минг сўм миқдорида солиқлар ҳисобланмай қолган.

Қарши шаҳридаги «Реал-Сункар» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси Қарши шаҳридаги «Ўктамбанк»да ҳисоб рақами очган. 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида корхонанинг ҳисоб рақамига қурилиш материаллари ва эҳтиёт қисмлар, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, яхна ичимликлар каби маҳсулотлар учун 201542,5 минг сўм келиб тушган. Бироқ бу маблағлар биргина тамаки маҳсулоти учун якка тартибдаги тадбиркор Шокир Холиқовнинг ҳисоб рақамига ўтказилган. Бунинг оқибатида корхона томонидан 201542,5 минг сўмлик нақд пул маблағи банк кассаларига топширилмаган.

**— Шу ўринда бир савол. Бу банкларнинг ўз мижозлари хуфёна ишларидан хабардорлиги билан боғлиқ. Яъни, нақд пулга эҳтиёж сезилаётган бир даврда банкларга лозим бўлган маблағлар келиб тушмайди, уларнинг раҳбарлари айбдорларга нисбатан негадир бирор чора-тадбир кўрмайдилар. Ёхуд бу ерда бирор сир бормикин?**

— Банклар билан мижозлар ўртасида қандай сир борлиги уларнинг ўзларига аён. Бироқ бундай салбий ҳолатлар давлат хазинасига катта зарар етказаётганлигини, биринчи даражали ижтимоий тўловлар, пенсия ва нафақалар кечикиб тўланаётганлигини ҳамма кўриб турибди.

Ўтган йил давомида катта миқдорда пул маблағлари айланмасини амалга оширган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича 39 ҳолатда 14877,7 миллион сўмлик товарлар сотилишидан тушган даромадлар солиққа тортилмасдан қолди.

**— Кейинги пайтда иккиламчи ҳисоб рақами очиб, турли қонунбузарликларга йўл қўяётган хўжалик юритувчи субъектлар ҳақида кўп гап бўляпти, турли фикрлар билдирилмоқда. Бундай ҳолларга чек қўйиш мумкин эмасми?**

— Нега, ҳар бир корхона бир нечта ҳисоб рақамига эга бўлишга ҳақли. Фақат улар қонуний бўлмоғи, кўрилаётган даромадлардан тегишли солиқ ва тўловлар тўлаб борилиши лозим. Афсуслар бўлсинки, кўпгина корхоналар иккиламчи рақамларни даромадларни яшириш, белгиланган солиқларни тўламаслик, хуллас, ўзларининг барча ғараз мақсадларини амалга оширишни мўлжаллаб очаётирлар.

«Соф бизнес» савдо ишлаб чиқариш корхонаси «Асакабанк»нинг Қарши шаҳар бўлимида ҳисоб рақами очган ва 32950,9 минг сўм даромад олиб, банкка 19963,3 минг сўм нақд пул топширган. Ўз навбатида Тошкент шаҳар ХОАТ «Туркистонбанк» муассасасида ҳам ҳисоб рақами очиб, иккиламчи бухгалтерияни юритиш натижасида бюджетга 14503,1 сўм зарар етказилганлиги аниқланди.

Шаҳрисабз тумани «Савдогарбанк» бўлимида ҳисоб рақами очган «Кровинг сервис» масъулияти чекланган жамияти Тошкент шаҳар АКБ «Капиталбанк» бўлимида иккиламчи ҳисоб рақами очган. Лекин 1128536 минг сўмлик сотилган маҳсулот қийматидан солиқлар ҳисобланмаган. 1057352,5 минг сўмлик вино ва ароқ маҳсулотларини сотишдан тушган нақд пул банк муассасасига топширилмаган.

Ана шу ўринда банкларга эътирозимиз бор. Барча банклар очилган ҳисоб рақамлари тўғрисида бир иш куни ичида жойлардаги солиқ хизмати органларига маълумот беришлари зарур. Лекин улар ҳисоб рақамлари очилганлигини ойлаб, ҳатто йиллаб пинҳон сақлаётганликлари сабабини англаш қийин.

Хуфёна иқтисод — охир оқибат жиноятга етаклайди. Юртбошимиз куйиниб айтганидек «Олинган тушум кассага эмас, киссага кетаверса, банкка пул тушмаса, биз фуқароларимиз олдидаги ижтимоий мажбуриятларимизни қандай бажарамиз? Фахрийларнинг пенсиясини, нафақалар ва стипендиялар, кам таъминланган оилаларнинг ёрдам пулини, ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақини нима ҳисобидан тўлаймиз?»

Ҳар бир раҳбар, пок ниятли ҳар бир инсон солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ноқонуний йўлларни қидириш юртимиз тараққиётига, эл фаровонлигига, фуқаролар ижтимоий ҳимоясига путур етказиши мумкинлигини дилдан ҳис этсагина кўзланган мақсадга эришамиз.

**Суҳбатдош: Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.**

## Сайловга тараддуд

***Кеча Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашида сайлов кампаниясига тайёргарлик мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу анжуманда партия фаоллари, сиёсатшунос олимлар қатнашдилар. Сўзга чиққанлар Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига бўладиган сайловнинг конституциявий асослари, кўппартиявийлик амалиёти ва миллий хусусиятлари ҳақида тўхталдилар.

Дарҳақиқат, бу галги парламент сайлови қизғин ва муросасиз кечиши сиёсий партияларнинг айни саъй-ҳаракатидан сезилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки қуйи палатанинг 120 та депутатлик ўрни сиёсий институтларнинг ана шундай курашчан бўлишлигини тақозо этмоқда. Шунинг учун фаоллар сайловолди дастурларида халқимиз хоҳиш-иродасини тўлароқ ифода этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйиш муҳимлигига эътибор қаратдилар. Бундан ташқари, анжуманда партия сайловолди штабининг таркибий тузилиши, мақсад-вазифалари, моддий-техника таъминоти билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам ўзаро фикрлашиб олинди.

**Қобил ХИДИРОВ.**



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



# МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАНЗИЛЛАРИ БЎЙЛАБ

***Вилоятда бир ажойиб анъана бор. Ҳар йили пахта топшириш давлат режасини биринчи бўлиб бажарган ва ҳар гектар ердан энг кўп ҳосил олган туманга «ГАЗ-31» енгил автомашинаси мукофотга берилади. Ўтган йил якунлари бўйича Жалақудуқ тумани юқори натижаларга эришди. Икки машина ҳам уларга тегди. Аслида, жалақудуқликлар ҳар йили ҳам ёмон ишлашмайди. Сўнгги йилларда улар оз эмас-кўп эмас 16 та машинали бўлишди. Раҳбарлар ҳар йили янги машина минавериб зерикиб ҳам қолдилар. Шунинг учун бу йил бошқача йўл танланди.***

## Халқ билан ҳамнафас

— Машиналарни ўринбосарларимга ёки бирор хўжалик раҳбарига берсам, маза қилиб миниб юрарди,— дейди кулиб туман ҳокими Манзура Эгамова. — Лекин ундай қилмадик. Туман оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, икки машинани ҳам сотдик. Пулига эса 20 та «Пентиум-4» русумли компьютер сотиб олиб, чекка қишлоқлардаги мактабларга совға қилдик. Тўғри, фақат компьютер билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Лекин ҳеч бўлмаса болаларда компьютер ҳақида тушунча ҳосил бўлади-ку.

Туманда 17120 нафар пенсионер ва ногиронлар истиқомат қилади. Уларнинг 450 нафари уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлардир. Ижтимоий таъминот бўлими жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан барча пенсионер ҳамда ногиронларнинг аҳволини ўрганиб чиқди. Ҳаммаси бўлиб 150 нафар ётиб қолган ногиронлар борлиги аниқланди. Уларнинг 100 нафари бугун ногиронлик аравачаларига муҳтож. Шулардан 50 нафарига туман ҳокимлиги ташаббуси билан ҳомийлар кўмагида ногиронлик аравачалари олиб берилди.

Битта туманда шунча одамнинг кўнглини олиш, шунча одамда ҳаётга муҳаббат уйғотиш, айтишга осон, холос. Солиштириб кўрсангиз, айрим вилоятларда бир йилда 50 ногирон аравачали бўлаётгани йўқ.

Т.Тошматов номли хўжаликда Мамадали Эшматов исмли ногирон яшайди. У илгари хўжаликда уста бўлиб ишлаган. Бундан 25 йил бурун иш жараёнида йиқилиб юролмайдиган бўлиб қолган экан. Яқинда шу кишига ҳам ногиронлик аравачаси топширилди.

— Аравачани ўзим топширдим,—дейди ҳоким. — Буни қарангки, шунча йилдан буён бирор раҳбар у кишининг ҳолидан хабар олмабди. Олтмиш ёшли чол аравачани кўриб ҳўнграб йиғлаб юборди. Тўғри, ўтиш даврини бошимиздан кечираяпмиз. Балки хўжаликнинг аравача олиб беришга маблағи йўқдир. Лекин, ҳеч бўлмаса, нима ёрдам керак, деб кўнглини сўраб қўйиш мумкин-ку. Ахир, шу одам хўжаликнинг ишини, деб ногирон бўлди-ку. Бугун бу хонадон бизнинг доимий эътиборимизда. Газ, электр пулларини тўлашни хўжалик ўз бўйнига олган. Президентимиз жорий йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиб, раҳбарларнинг ҳам кўзини очди. Одамлар орасига кўпроқ кириб боришга, уларнинг муаммоларини ўрганишга, ечишга ундади, менинг назаримда.

Ҳақиқатан ҳам, Жалақудуқда бугун халқ орасига кириш, одамларнинг турмуши, яшаш шарт-шароитини ўрганиш бўйича намуна қилиб кўрсатса арзийдиган ишлар амалга оширилаяпти. Шу йилнинг биринчи чорагида 7016 фахрий бепул диспансер кўригидан ўтказилди. Икки кишининг уйи таъмирлаб берилди. Бу иш учун ҳомийлар 1 миллион 200 минг сўм маблағ сарфлашди. 552 кишига 1 миллион 253649 сўмлик дори-дармон бепул тарқатилди. 27 нафар ёлғизларга 500864 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Шунингдек, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз байрами муносабати билан 8952 нафар кўмакка муҳтож фуқароларга 23 миллион 474500 сўм моддий ёрдам пуллари тарқатилди.

Шу йили қишда мактабларнинг аҳволи ўрганиб чиқилганда туман бўйича анчагина бола қишки кийими ёки оёғида этиги йўқлиги учун мактабга бормаётгани аниқланди. Шундан сўнг туман ҳокими тезлик билан хўжалик раҳбарлари, тадбиркорларни бир жойга тўплади, уларга вазиятни тушунтирди. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, дегани рост экан. Ҳамма қўлидан келганча муҳтожларга ёрдам кўрсатадиган бўлди. Натижада тез кунда болалар мактабга қатнай бошлади. Туманда ҳозир ҳамма мактаблар деярли капитал таъмирдан чиқиб бўлди.

— Туманимизнинг у четидан бу четигача 75 километр,—дейди М. Эгамова. — Бизга бирор арз билан ёки ёрдам сўраб келадиган фуқаро камида 35 — 40 километр йўл босиши керак. Шунинг учун қабулни қишлоқ фуқаролар йиғинларига кўчирдик. Ҳар ҳафта битта фуқаролар йиғинида қабул куни ўтказамиз. Унда барча мутасадди раҳбарлар иштирок этишади. Ваколатимиз даражасидаги муаммоларни шу жойнинг ўзида ҳал этаяпмиз. Ҳарқалай, қилаётган ишларимиз бесамар кетмаяпти. Одамлар келажакка ишонч билан қарай бошлашди. Биз учун энг муҳими шу.

**Рақамлар сўзлайди**

**Шу йилнинг биринчи чорагида вилоятда 178035 нафар ёшга доир пенсионерлар, 71658 нафар ногиронлар ва 14256 ногирон болалар рўйхатга олинган. Пенсионерларнинг 125 нафари «Олтиариқ», 85 нафари «Товоқсой» ва 60 нафари «Косонсой» сиҳатгоҳида дам олиб, соғликларини тикладилар.**

**Протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтожлардан 12 нафарига протез-ортопедия маҳсулотлари тайёрлаб берилди.**

***

**Вилоятда 67 та коллеж, 3 та академик лицей бор. Уларда 49.185 нафар ёшлар 99 йўналишда таълим олмоқда. Бу йил 9 та коллеж биноси капитал таъмирдан чиқарилди. 3 та янги бино қурилди.**

**Коллежларда ўқиётган етим болалар учун 95.177 минг сўм маблағ ажратилди. 54 нафар етим, қаровчисиз бола бу йил коллежни битиради. Уларнинг кийим-кечак ва ётоғи учун 31 миллион сўм маблағ сарфланди.**

***

**Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида вилоят бўйича 10717 та янги иш ўринлари яратилди. Бўш иш ўринлари ярмаркаларида қатнашган 1541 нафар ёшлардан 776 нафарига йўлланма берилиб, 765 нафари ишга жойланди.**

## «Мен бир савоб иш қилдим, холос...»



Алфия Россиянинг ҳадсиз-ҳудудсиз ўрмонлари орасида жойлашган Бугилма шаҳарчасида дунёга келган. Ўша ерда унди, ўсди. Бу орада ҳамширалик касбини эгаллади. Тиниб-тинчимайдиган бу қизни тақдир Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғига етаклаб келди. Ўша пайтларда тиббиёт ходимларига эҳтиёж катта эди. Ёш бўлишига қарамасдан Алфия ўз меҳнати билан қишлоқ аҳли орасида тез танилди, қадр топди. Бунинг устига мусофирчилик, ташвишларнинг кўплиги унинг ҳаётга қарашларини ҳам ўзгартирди.

Бир куни шу қишлоқда ёлғиз ўғли билан яшайдиган Олимжон ота Ҳожиматовнинг уйига хизмат юзасидан бориб қолади. Олимжон ота иккинчи жаҳон урушидан икки оёғидан айрилиб қайтганди. Хотини оламдан ўтгач, каттакон ҳовлида ногирон ўғли билан яшарди.

Алфия дастлаб борганида 65 ёшли отахон ерда ёнбошлаганча кир ювяётганди. Буни кўриб ҳамширанинг юраклари эзилди. Шунданми, кейин ногирон отахоннинг холидан тез-тез хабар оладиган бўлди. Алфиянинг бу меҳрибонлигини кўрган қишлоқ оқсоқоллари унга чолга турмушга чиқишни таклиф қилдилар. Савоб бўлишини айтишди.

— Тўғриси, ўшанда отам тенги одамга турмушга чиқаманми, деб хафа бўлгандим, — дейди Алфия опа. — Ахир, ўша пайтда 28 ёшда эдим-да.

Урушда биз учун курашди. Тинчлик учун қон кечиб оёғидан айрилди, деган хаёллар аста-секин Алфиянинг бу масалага муносабатини бутунлай ўзгартирди.

Кейин қишлокда кичиккина тўй бўлди. Алфиянинг устидан кулганлар ҳам бўлди.

Мана, шундан буён орадан йигирма тўққиз йилдан кўпроқ вақт ўтди.

— Чолим билан йигирма беш йил турмуш қурдик. Бу орада бир ўғил, бир қизли бўлдик. Ўғлим Дилшодни уйлантирдим. Қизим ҳам балоғат ёшида, — дейди опа. – Чолимга қарай-қарай ўзим ҳам ётиб қолдим, иккинчи гуруҳ ногиронлигига ўтдим. Чолим эса умрининг охирги саккиз йилида умуман тўшакка михланиб, қулоғи эшитмай, кўзи кўрмай қолди. Жойлари жаннатда бўлсин. Тунлари ухламай олдида ўтириб чиқардим...

— Чолингиз ногирон бўлган. Доим у киши билан банд бўлгансиз. Тирикчилик қандай ўтди? — деб сўраймиз опадан.

— Тунлари пайпоқ тўқирдим. Тикувчилик қилардим. Топган пулимизга дори-дармон олардик.

Қишлокдошларининг айтишича, Алфия опа чолининг олдидан бир қадам ҳам нари кетмаган. Ҳатто туғилиб ўсган она шаҳри— Бугилмага ҳам боришга вақт топмаган. Олимжон отани турли тадбирлар, тўй-маъракаларга олиб бориш учун автомобиль ҳайдашни ўрганган. Ногиронларга берилган «Запорожец» автомобилида отани турли тадбирларга олиб борган.

— Уйга қачон кирсангиз, отахон топ-тоза, оппоқ чойшаб устида ётган бўларди, — дейди фуқаролар йиғини вакиласи. — Инсонга меҳр-мурувват кўрсатишни Алфия опадан ўрганишимиз керак.

— Ўтган умримга ачинмайман. Мен дунёга келиб бир савоб иш қилдим. Бу мен учун катта бахт, — дейди Алфия опа Ҳожиматова.

«Намуна» ширкат хўжалиги, ҳомий ташкилотлар ва қишлокдошлари ҳашар йўли билан уларга уй қуриб беришди. Туман ҳокимлиги оила аҳволидан хабардор бўлиб турибди. Газ, электр энергияси ҳақини тўлашни юз фоиз ширкат ўз бўйнига олган.

Халқимизда бир гап бор: меҳр кўрсатсанг меҳр кўрасан. Бир савоб учун умрини қурбон қилган опа бугун ўзи ҳам қадр топди. Ҳурмат қозонди, меҳр кўрди.

## Дафтардаги битиклар

**Меҳр ва мурувват деганда сиз нимани тушунасиз? Бу ҳақда тасаввурингиз қандай?**

**Марҳамат туманидаги 31-лицейнинг битирувчи синф ўқувчилари ана шу мавзуда иншо ёздилар. Улар шунчаки ёзувлар эмас. Ёш авлоднинг Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмакон, бетакрор Ватанга фарзандлик туйғуси битиклари бу иншолар.**

***Гулшаной МАЛЛАБОЕВА**: — Яхшилик — жамики одамларга яхшилик қилмоқликдан иборат. Бобокалонимиз Юсуф хос Ҳожиб: киши икки нарса билан асло қаримайди. Бири — эзгу сўзи, бири яхши хулқи, дейди. Шундай экан, сўзимиз ва хулқимиз билан инсонларга эзгулик қилайлик. Ана шунда инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат нури ҳеч қачон сўнмайди.*

***Нодир СОДИҚОВ**: — Меҳр-мурувват жуда кўп шоиру мутафаккирларимизнинг асарларида қайта-қайта тилга олиниб, инсонийликнинг буюк бир фазилати сифатида уқтириб ўтилади. Саховат мурувватнинг, шафқатнинг нишонаси. Сахий одам керилиш учун, миннат учун бу ишни қилмайди. Чунки меҳр-мурувват савоб учун қилинади.*

***Шоири ТЕШАБОЕВА**: — Мурувватли инсонларнинг кўзидан нур, сўзидан дур ёғилиб туради. Бундай инсонлар Ватанини севадиган, иймон-эътиқоди бутун, пок виждонлилиги учун ҳам халқимиз томонидан эъзозланади.*



*Избоскан тумани марказий шифохонаси қошидаги поликлиника ходимлари хизматидан барча мамнун. Поликлиника томонидан 30 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, боқувчисини йўқотган кексаларга алоҳида ҳамширалар бириктирилган.*

**СУРАТДА: ҳамшира Розияхон Боитова 74 ёшли меҳнат фахрийси Раҳимахон ая Содиқова хонадонида.**

***Шаҳрихондаги "Ривож" фирмасини бугун нафақат Андижонда, балки бутун республикада яхши билишади. 1997 йили фирмага асос солинган эди. Ҳозир эса тўртта тармоққа эга бўлган компанияга айланди. Дастлаб "Ривож — Тянжин" ўзбек-хитой қўшма корхонаси тузилиб, юртимизга валюта эвазига четдан келтирилаётган электрод маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.***

## Ўз ҳисобидан мактаб қурди

Орадан бир йил ўтмай ишбилармонлар хитойлик ҳамкорлари билан калава ип учун ғалтаклар ишлаб чиқарадиган корхона барпо этишди. Мана, бир йилдан ошдики, "Ривож" қошида "Шаҳрихон суви" ишлаб чиқарилмоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Фирма қошида тикувчилик цехи ҳам ишлаб турибди. Келаётган буюртмаларнинг адоғи йўқ.

Фирмага ишбилармон, Олий Мажлис депутати Комилжон Отахонов бошчилик қилади. Унинг тадбиркорлиги туфайли туманнинг 500 нафар аҳолиси ишли бўлишди. Уларнинг ўртача ойлик маоши 30-40 минг сўмни ташкил этмоқда.

Туман ҳокими ўринбосари Абдуқаҳҳор Расуловнинг айтишича, фирма хайрли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Болалар спортини ривожлантириш мақсадида "Шаҳрихон" футбол клубини оталиққа олди. Мустақиллик, Наврўз байрамларида бир неча бор кам таъминланган оилалар болаларининг суннат тўйларини ўтказиб беришга ёрдам берди. Бундан ташқари, фирма кўмагида шаҳарга қўшимча газ қувури тортиб келинди.

Анча йиллардан буён шаҳарда мактаб қуриш мақсадида ер ажратилиб, кейинчалик маблағ йўқлиги боис ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Фирма директори ўзи туман ҳокимлигига ташаббус билан чиқиб, шу мактаб қурилишини ўз зиммасига олди. Қисқа муддатда замонавий, 400 ўринли ўқув биноси қад ростлади.

Вилоятда бу каби хайрли ишларга бош қўшаётган тадбиркорлар кўп.

Улуғнор туманидаги Навоий номли қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Хайробод маҳалласида мактаб биноси йўқ эди. Болалар қўшни Янгиобод қишлоғига қатнаб ўқишарди. Ўтган йилнинг кузида «Бунёдкор» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари Муроджон Тожибоев бу муаммони ҳал этишга киришди. Ўз маблағи ҳисобиги 240 ўринли мактаб биноси қуришни бошлади. Бунинг учун 40 миллион сўм ажратди. Қисқа муддатда бино қуриб битказилди.

— Берганга худо беради, деганлари рост экан,—дейди Улуғнор туман ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича бош мутахассиси Абдусаттор Абдулаҳадов. – 2004 йил бошида Муроджон ажойиб имкониятни қўлга киритди. У раҳбарлик қилаётган қурилиш корхонаси республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан эълон қилинган тендер савдосида ғолиб чиқди. Айни пайтда корхона ишчилари туман марказида янги спорт мажмуаси қурилишини жадал суръатларда давом эттирмоқда. Шуни айтсалар керак-да, хайр қилган кам бўлмас, деб.

***Тўхтамурод ота Собиров бу йил 80 ёшга тўлди. У узоқ йиллар Пахтаобод туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида механизатор бўлиб ишлаган. Ҳалол меҳнати туфайли қатор мукофотлар олган. Ҳозир эса қарилик гаштини суриб, фарзандлари, камолини кўриб яшаяпти.***

## Ҳажга бормаса-да...

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг отахоннинг ука ва сингиллари бирин-кетин ҳаж зиёратига бориб келишди. Улар Тўхтамурод отани ҳам ўзлари билан бирга олиб бормоқчи бўлишди. Аммо ота кўнмади. "Мен пенсиямни йиғиб, ўша пулга бораман," деди.

Шу ниятда Тўхтамурод ота Халқ банкидан ҳисоб рақами очиб, пенсиясини ўтказиб борди. Аммо кутилмаганда бу йил отахон қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Врачлар уни текшириб кўриб, биринчи гуруҳ ногиронлигига ўтказишди. Хуллас, отахон ҳаж сафарига ярамай қолди.

Яқинда Т. Собиров ҳаж учун тўплаган 222 минг сўм маблағини Пахтаободдаги етим ва боқувчисини йўқотган, ночор оила фарзандлари ўқийдиган мактаб-интернатга совға қилди. Пулнинг 100 минг сўмини ўнта боланинг номига Халқ банкидан ҳисоб очтириб, 10 минг сўмдан маблағ қўйди. Қолган 122 минг сўмга эса мактабга дори-дармон олиб берди.

Тўхтамурод ота, гарчи ҳажга бормаса-да, бу мурувват билан ҳаж савобини олди. Шундай саховатли одамлар ҳамиша бор бўлсин.

## Қоғозда қолаётган режалар

***Халқимиз азалдан қоқилганни суяшга, бошига иш тушганга камарбаста бўлишга одатланган. Жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши бундай эзгу ишларнинг яна ҳам кўпайишига йўл очди. Ҳар бир вилоятда, ҳар бир туманда махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Хўш, Бўз туманида бу дастур қандай бажарилаяпти?***

— Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан ўтган йилга нисбатан 1,1 баробар кўп миқдорда маблағ ажратиш вазифаси юклатилган, — дейди туман молия бўлими бошлиғи Алишер Назиров. — Ўтган беш ойда кам таъминланган оилаларга 3.766 минг, шундай оилаларнинг 16 ёшгача бўлган болалари учун 51.299 минг сўм пул тарқатилди.

— Дастурда тез тиббий ёрдам хизмат марказларини автотранспорт, алоқа воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш, уларнинг биноларини тўла таъмирлашга марказлаштирилган тартибда маблағлар ажратиш кўзда тутилган. Унинг ижроси қандай бўлмоқда?

Мудир бу юмушлар учун 1.429 минг сўм ажратилганини айтди. Очиғи биз унинг жавобидан қониқмадик. Ҳақиқий аҳвол билан танишиш мақсадида марказий шифохонада бўлдик. Бош ҳаким А. Турғунов шошилинч тез тиббий ёрдам, туғуруқ бўлими бинолари таъмирлашга муҳтожлигини, қаттиқ-юмшоқ жиҳозлар, замонавий асбоб-ускуналар етишмаслигини айтди. Юқумли касалликлар поликлиникалари биноларида ҳам аҳвол шундай. Жойлардаги 10 та ҚВП биноларини таъмирдан чиқаришга, уларга ичимлик суви келтиришга масъуллар орасида молия бўлими ҳам бор. Бироқ ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишга ҳали киришилмагани ажабланарли.

Кам таъминланган оилалардаги болалар, қандли диабет ва вирусли гепатит касалликларига чалинганларни махсус озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар билан таъминлаш масаласи ҳам дастурдан ўрин олган. Бироқ бош ҳаким ва унинг ўринбосари ўзгалар ёрдамига муҳтож болалар сони қанча эканидан хабарсиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Бобур номли ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи 11 ёшли Сардор Содиқов туғма юрак хасталигига чалинган. Навоий номли хўжаликда яшовчи беш ёшли Рисолат Қодированинг оёғида туғма нуқсони бор. Ўн ёшли Ислом Мамасолиевни териси суягига ёпишиб қолаётгани безовта қилмоқда. Бу хилдаги болалар Бўзда 11 нафар. Уларни ривожланган хорижий мамлакатлар шифохоналарида даволаш режалаштирилган. Афсуски, бу масала ҳам қоғозлар қатида қолиб кетмоқда.

### Ижродаги интизомсизлик

Халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Маъруфжон Баратовдан болалар спорти иншоотларини, энг аввало, қишлоқларда, умумий ўрта таълим мактабларида спорт майдончаларини барпо этиш, уларни зарур анжомлар билан жиҳозлаш, секциялар очиш, оммавийликка эътибор қаратиш юзасидан қандай ишлар қилинаётганини сўрадик.

— Буни ҳисобчимиз билади, — гапнинг тўғрисини айтди мудир муовини.

— Дастурнинг 14,3 бандида етимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари тўйларини ўтказиш белгиланган экан. Кимларнинг тўйлари бўлиб ўтди?

— Туманимизда 16 нафар чин етим, 313 ярим етим бор. Очиғи, тўйлардан бехабарман, — деди М. Баратов.

— Ногирон болаларни ҳар йили бир марта Болалар боғи, Ўлкашунослик, Адабиёт ва санъат, Бобур музейлари ҳамда маданий масканларга бепул боришини ташкиллаштиришга қандай қараяпсизлар?

— Транспорт масаласида қийналяпмиз. Бирон мардимайдон мана, машина, деб қолса, албатта, шаҳарга тушамиз.

— Миллий қадриятларга асосланган ибратли анъаналар хусусида кўргазмалар ташкил этилдими, давра суҳбатлари ўтказилдими?

— Ҳали вақт бор. Улгурамиз.

Ишлаб чиқилган дастур ижроси билан қадрли. Тадбирларнинг ярим-ёрти бажарилиши ёки шунчаки хўжакўрсинга ўтказилиши унинг нуфузини туширади. Одамларнинг ҳафсаласини пир қилади. Афсуски, туманда ана шундай ҳол ҳукм сурмоқда. Нафақахўрлар, фахрийлар, ногиронлардан 36 нафарига санаторий ва курорт муассасаларида саломатликларини тиклаш учун бепул йўлланмалар ажратилиши режалаштирилган эди. Амалда бор-йўғи 6 кишига йўлланма берилди. Меҳнатга лаёқатли ногиронларнинг кўз касалликларини даволаш ҳам қониқарсиз олиб борилмоқда. 1600 ногирондан 20 нафаригина даволанганини нима билан изоҳлаш мумкин? Ногиронлар реабилитацияси маркази ҳузурида ва жойларда 5 ўринли болалар бўлимини очиш, 100 нафардан кам бўлмаган ногирон болаларни протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш ҳамда уларнинг саломатлигини сақлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилгани ,йўқ. Спорт иншоотларини махсус тренажёрлар, мебеллар билан таъминлаш эътибордан четда қолмоқда.

Биз дастур ижодкорларига ўз ҳамқишлоқларингиздан меҳрингизни дариғ тутманг, ҳеч бўлмаса ўзингиз белгилаган тадбирларни рўёбга чиқаринг, деб қоламиз холос.

**Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб "Халқ сўзи" мухбирлари Б. ЭГАМҚУЛОВ, О. ШОДМОНАЛИЕВ, Ю. БЎРОНОВ ва Т. ҲАМРОҚУЛОВ (суратлар) сафар қилдилар.**

